

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР”
КАФЕДРАСИ**

САНАЕВ СОБИР ЭРКЕНОВИЧ

**КОРХОНА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ
САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**5341500 – “Молия инжиниринги” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

I-боб. Корхона мажбуриятлари тавсифи ва уларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....

1.1 Корхона мажбуриятларининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркибий тузилиши.....

1.2 Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар – корхона мажбуриятларининг муҳим таркибий қисми сифатида.....

II-боб. Корхона мажбуриятларининг бугунги кундаги ҳолати ва унинг тахлили.....

2.1 Корхона мажбуриятларини шаклланиш механизми ва унинг тахлили.....

2.2 Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироз шароитида корхоналар молиявий ҳолати ва унинг тахлили.....

III-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона мажбуриятларини самарали ташкил этиш ва бошқариш масалалари.....

3.1 Корхона кредиторлик қарзлари ва уларни камайтиришнинг асосий йўналишлари.....

3.2 Тижорат банкларининг кредитлари ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш.

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Бозор муносабатлари шаротида ҳар қандай корхона бошқа хўжалик субъектлари, молиявий муассалар ва давлат бюджети билан ўзаро молиявий муносабатларни амалга оширади. Корхоналар хўжалик – молиявий фаолиятини амалга ошириш жараёнида уларнинг мажбуриятларини тўғри ташкил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим масалалардан бири саналади. Корхона мажбуриятларидан оқилона фойдаланиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажмини оширади, иккинчи навбатда мамлакатда тўлов тизимини ривожлантиришга ва бюджет даромадларини ўз вақтида шаклланишига таъсир этади. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, корхона мажбуриятларини ошиб кетиши ва бу борада бошқарув қарорларини нотўғри қабул қилиниши, корхоналарни молиявий барқарорлигини кескин тушиб юбориши ва бунинг натижасида инқирозга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда корхоналар фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватлаш, жумладан корхоналарга солиқ имтиёзларини белгилаш, валюта операцияларини амалга ошириш ва банк кредитларидан фойдаланишда кенг имкониятлар яратилганлиги корхона мажбуриятларини самарали бошқаришда муҳим мезон бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада мамлакатимизда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратади. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга

ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларни тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоиздан ортиқ бўлмаган ставкаларда 10 ойгача бўлган муддатда имтиёзли кредитлар бериш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддати 2012 йилгача узайтириш;
- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш”¹.

Албатта давлатимиз томонидан бундай турдаги имтиёزلарни берилиши корхона мажбуриятларини камайтириш, улардан оқилона фойдаланиш ва бўш ресурсларни ишлаб чиқаришга реинвестиция қилиш ва бунинг натижасида корхоналар фойдалилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўз навбатида шу нарсани ҳам қайд этиб лозимки, ҳозирги кунда корхоналар мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслик, мажбуриятларни нотўғри тақсимланиши ва бу борада бошқарувда айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Корхона мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмаслиги ишчи ва ходимларни ишдан бўшашига, корхоналарни таъсисчилари ва мулкдорлар олдидаги ишончини йўқолишига, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассалар олдида ўзининг имиджини тушиб кетишига олиб келади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз танлаган битирув малакавий иши мавзуси корхоналарни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришдаги асосий масалалардан бирига бағишланганлигидан далолат беради.

¹ И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент - “Ўзбекистон” – 2009 йил.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарнинг иқтисодий моҳияти, иқтисодиётда корхоналарнинг тутган ўрни ва роли, уларнинг мажбуриятларини ўрганиш борасида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари илмий изланишлар олиб борганлар, жумладан хорижлик иқтисодчилар Пю.Массе, Г.Марковиц, Д.Тобин, Ф.Модильяни, М.Миллер, Э.Дж.Долан, К.Д.Кэмпбелл, Р.Дж.Кэмпбелл, У.Ф.Шарп, Г.Дж.Александр, Дж.В.Бейли ва бошқаларни киритиш мумкин. Худди шунга ўхшаш кейинги йилларда россиялик иқтисодчи олимларнинг ҳам бу соҳадаги меҳнатларини ижобий баҳолаш мумкин. В.В.Аладьин, Е.И. Шохин, П.И.Вахрин, Н.В.Игошин, Л.И.Игонина, В.В.Бочаров, Н.Д.Гускова, М.С.Марамыгин, Н.В.Кеселева, А.С.Нешитой, С.В.Валдайцев, Я.С.Мелкумов, В.П.Жданов, Г.И.Иванов, Г.П.Подшиваленко, С.В. Галицкая, Г.Б. Поляк, С.Б.Пряничников ва бошқалар. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Шарифхожаев, Ё.Абдуллаев, Ғуломов С.С. Маликов Т.С., Чориев К.А., Н.Х. Ҳайдаров, А.В. Ваҳобов, А.Т. Иброҳимов, Н.Ф. Ишонқулов ва бошқалар йўналишда ўзларининг илмий асарларида кўплаб маълумотлар бериб ўтганлар.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Корхона мажбуриятларини тўғри ташкил этишнинг назарий асоларини ўрганиш, корхона мажбуриятларини таркибий тузилиши ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва хулосалар бериш ишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- корхона мажбуриятларининг иқтисодий моҳияти ва таркибини ўрганиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни корхона мажбуриятлари таркибида тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- корхона мажбуриятларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва бу бўйича тахлилий ишларни амалга ошириш;
- кредиторлик қазлари ва уларни камайтириш йўллари аниқлаш;
- тижорат банклари кредитларининг корхона мажбуриятлари таркиби тутган ўрни ва улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш.

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона мажбуриятларини самарали бошқаришнинг йўналишларини белгилаш.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Мамлакатимиз фаолият юритаётган корхоналар мажбуриятларининг таркибий тузилиши ўрганиш ва самарали бошқариш йўналишларини белгилаш, ҳамда ушбу соҳада юзага келаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ишнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Шунингдек ишга, жадвал ва чизмалар бириктирилган.

I-боб. Корхона мажбуриятлари тавсифи ва уларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

1.1 Корхона мажбуриятларининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркибий тузилиши

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бу иқтисодиётда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни давлат томонидан қўлаб қувватлаш уларни ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш уларни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим замин яратиб бериш ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар каторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодиётни ислохот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта эътибор қаратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида” ги қонунига асосан, корхона бу - ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди. Корхоналарнинг фаолияти миллий иқтисодиёт ва

унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади.

Замонавий корхона-мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармоқ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва ҳоказолар, *ишлаб чиқариш миқёси ва ходимлар сонига* кўра, йирик, ўрта ва кичик, *фаолият юртииш муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади. Бироқ ушбу белгилардан қатъи назар, деярли ҳар бир корхона **Низом** асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи органи ва бу органнинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, тузлмавий бўлинмалар рўйхати, ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади. Агар Низомда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва

иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фондлар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи **Низом жамғармасига** таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар - давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Корхонани турли белгиларига кўра тавсифлаш мумкин:

- *ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- *ижтимоий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда* корхона ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, тармоқнинг мустақил бўғини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончлилигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Ҳар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади. Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тадқиқ этишда уни ташкил қилувчи иккита таркибий қисм - тизимнинг ўзи(корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи ташқи муҳитни кўриб чиқиш лозим. Корхонанинг ички муҳити ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади. Ички муҳитнинг ўзаро алоқалари натижасида тайёр маҳсулот пайдо бўлади, ишлар бажарилади ва хизмат кўрсатилади, яъни тўғри йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фаолияти

юзага келади. Корхоналарнинг ташқи муҳит билан алоқаси уларнинг ташқи тизимга чиқишида рўй бериб (ресурсларни жалб қилиш, уларнинг қийматини аниқлаш, хом ашё, материал ва ёқилғининг ўз вақтида етказиб турилиши ва ҳоказо), ташқи муҳитга ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар оқими ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади. Корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаб берувчи ташқи муҳит – бу, биринчи ўринда маҳсулот истеъмолчилари, хом ашё ва бошқа материал етказиб берувчилар, шунингдек давлат органлари ҳамда корхонага яқин жойда яшовчи аҳоли ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар **фаолиятининг асосий йўналишлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор ва унинг ривожланиш истиқболларини комплекс равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини аниқлаш;
- маҳсулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш;
- харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;
- маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил қилиш ва уни мукамаллаштириш;
- корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни бошқариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кўп қиррали фаолияти юқорида санаб ўтилган йўналишлар билангина чекланиб қолмайди. Амалиётда улар фан-техника тараққиёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганлардан қатъи назар, хўжалик ривожланишининг ҳар бир босқичида корхоналар фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

- корхона эгасининг даромад олиши;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш;
- ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш;
- корхонага яқин жойларда яшовчи аҳоли учун иш жойлари яратиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- корхона фаолиятида тўхтаб қолишга йўл қўймаслик;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукамаллаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш.

Хўжалик фаолиятининг жорий ва истикболдаги вазифаларини бажариш корхоналардан қуйидаги функцияларни амалга оширишни талаб қилади:

- ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулотларни тайёрлаш;
- маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш;
- сотувдан кейин хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;
- ходимлар меҳнатини ташкил қилиш ва бошқариш;
- солиқларни тўлаш, бюджетга тўланувчи ихтиёрий ёки мажбурий тўловларни амалга ошириш ;
- амалдаги стандартлар, нормативлар ва давлат томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга риоя қилиш.

Бу функциялар корхоналарнинг ҳажми, қайси тармоққа мансублиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларга асосланиб аниқлаштирилади. Бугунги бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти корхоналарнинг амалга оширувчи функцияларини кенгайтириши ҳамда уларнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун янги вазифалар белгилаб бериши мумкин.

Ҳар бир корхона бошқа корхоналардан аввало ишлаб чиқараётган маҳсулоти, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва миқёси, жойлашиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан алоқалари ва бошқа кўрсаткичлари

билан фарқ қилади. Бу билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштириш масалаларини бир хил турда ҳал қилиш мумкин бўлган гуруҳларини аниқлаш мақсадида уларни таснифлашнинг мақбуллигини изоҳлаш мумкин. Корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг қайси тармоққа қарашлилиги; ҳажми; ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги; ихтисослаштириш даражаси ва бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқёси; ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш усули ҳамда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-ҳуқуқий шакллари прогностлаштиришга боғлиқ бўлади.

Қайси тармоққа қарашлилигига кўра корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (машинасозлик, кўмир қазиб чиқариш, суғурта ва ҳоказо) соҳаларига мансуб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра, корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бошқаларга бўлинади.

Технологик умумийлигига кўра, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг мақсадларига кўра, барча корхоналар иккита катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Фойдаланилувчи хом ашё турига кўра, саноат корхоналари қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарга тақсимланади.

Йил давомида ишлаш муддатига кўра, корхоналар мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

Ҳажмига кўра, корхоналар йирик, ўрта ва кичик корхоналарга тақсимланади.


Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш бўлинмалари, бошқарув органлари ва корхона ходимларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат бўлади. Тузилма (структура) тушунчасини

корхонанинг таркиби, тузилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Корхона қанчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чиқариш тузилмаси шунчалик мураккаб бўлади. Саноат корхоналарининг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмалари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўғинлари, корхона бошқаруви ҳамда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг миқдори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларининг сони ва ишлаб чиқариш имкониятлари *корхонанинг умумий тузилмасини* ифодалайди.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини ифодовчи муҳим кўрсаткичлардан бири бу корхоналарнинг мажбуриятлари ҳисобланади. Корхона мажбуриятлари корхоналар балансининг пассив бўлимлар қисмида жойлашган (1-чизма).

1-чизма.

Корхона бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши



Манба: Маълумотлар асосида талаба томонидан тайёрланди

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари балансининг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари киради. Пассив ҳам худди балансининг актив қисми сингари иккита бўлимдан иборат. Яъни баланс пассивининг биринчи бўлими – «Ўз маблағлари манбалари» деб номланиб, бунда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар, мақсадли тушум ва фондлар келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун

резервлар, келгуси давр даромадлари акс эттирилади. Пассивнинг “Устав капитали” бандида хўжалик фаолиятини юритиш учун ажратилган маблағлари кўрсатилади. Ҳиссдорлик жамиятларида эса ҳар бир катнашчининг қўшган ҳиссаси устав фондида кўрсатилади. Дивидент сифатида тақсимланмаган соф фойда ҳажми ҳам қўшилган ҳиссага қараб аниқланади. Демак устав фонди бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахс сифатида корхонанинг ўзига тегишли маблағи ва акционерларнинг қўшган ҳиссасидан иборат бўлади. Ҳар бир катнашчи шахсий ҳиссасига қараб корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятига аралашади. Ҳамкорликдаги, ҳиссдорлик, қўшма ва кичик корхоналарнинг низом жамғармаси ҳажми қўшган бадаллар миқдорида боғлиқ бўлади.

Қўшилган капитал, резерв капитал бандларида корхонанинг бойликларини қайта баҳоланишидан, олган фойдасидан ташкил этилган резервлардан, қўшимча акциялар чиқариш натижаларидан кўпайган хусусий манбалар кўрсатилади. Пассив I бўлимига тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳам киритилади. Бу банднинг суммаси корхонанинг олган фойдаси миқдорида ва унинг тақсимланишига боғлиқдир. Корхона ўз олдидаги фойдадан тўлаши лозим бўлган мажбуриятларини бажариб бўлгандан сўнг, қолган қолдиқ келгусида резерв сифатида фойдаланилишини кўзланиб қолдирилади. Тақсимланмаган фойда банди ўтган йиллардаги фойдадан қолган суммаларни ҳам ифодалайди. Балансда корхонанинг ўз маблағлари манбаи қанча кўп улушни эгалласа, шунчалик молиявий аҳвол ишончли бўлади.

Баланс пассивининг иккинчи бўлими “Мажбуриятлар” деб номланиб, унда корхонанинг узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлари акс эттирилади. Узоқ муддатли мажбуриятларга – узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлар ва шу каби узоқ муддатли мажбуриятлар киритилади. Банк кредитлари ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, асосий воситалар сотиб олиш ва кўпгина истиқболли лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олиниши мумкин. Қарзлар бандида эса бошқа корхоналардан

(банкдан ташқари) олинган қарз суммалари кўрсатилади. Бу бандларни тўлдириш учун зарур маълумотлар “Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари” ва “Узоқ муддатли қарзлар” чётлар қолдиғидан олинади.

Ўз навбатида корхона мажбуриятлари бир неча таркибий бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга (2-чизма).

2-чизма

Корхона мажбуриятларининг таркибий тузилиши



Манба: Маълумотлар асосида талаба томонидан тайёрланди

II бўлим пассивини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Баланс пассивининг иккинчи бўлими “Мажбуриятлар” деб номланиб, бу бўлимда қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзларини, корхона ишчи – хизматчилари учун банк кредитлари, товарлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий ҳимоялаш, суғурта, таъминот, мулкӣ ва шахсий суғурта, бюджет билан, ундан ташқари тўловлар, шўба корхоналари ва бошқалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар кўрсатилади.

Булардан ташқари ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар, кўзда тутилган даромадлар, харажатлар ва тўловлар захираси, даргумон қарзлар бўйича захиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар ҳам ушбу бўлимда акс этирилади. Шу бўлим пассивида жуда кўп бухгалтерия ҳисобининг счётларининг кредит қолдиғи келтирилади. Корхона балансини ўрганишда асосий эътибор йил бошида ўтган даврда мулк ва маблағларнинг қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбалар билан қанчалик таъминланганлигига қаратилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корхона мажбуриятлари бир неча таркибий моддалардан иборат бўлиб уларни ҳар бири маълум бир хусусиятларга эга. Уларни ҳар бирини кенг ўрганиш ва уларни корхоналарда тўғри ташкил этилиши ва оқилона бошқарилиши корхонанинг келгусидаги молиявий мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

1.2 Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар – корхона мажбуриятларининг муҳим таркибий қисми сифатида

Корхоналар мажбуриятларининг асосий бўлимларидан бири бу солиқлар ва мажбурий тўловлардир. Албатта, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат бюджетига муайян миқдорда солиқларни тўлайдилар. Мамлакатимиз давлат бюджетининг асосий даромад манбаи солиқлар бўлиб ҳисобланади. Ишимизни ушбу қисмида солиқларнинг иқтисодий моҳияти

ва мазмуни ҳамда корхона мажбуриятлари таркибида тутган ўрни ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Республикамиздаги мавжуд иқтисодий шарт-шароитларга кўра, давлатнинг иқтисодиётга таъсири жараёни ривожланган давлатлардан фарқ қилади. ўтиш даври хусусиятларидан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашув жараёни бирмунча фарқ қилади. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги вазифалари сифатида иқтисодиётни янада эркинлаштириш вазифасининг ўйилиши ва унинг амалга ошиши Ўзирги давр учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, 2007 йилда кучга кирган янги Солиқ кодекси бу соҳада қилинган назарий ва амалий ишларнинг натижаси бўлди. Ушбу Кодекс солиқ қонунчилигига доир меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни тартибга солди ҳамда солиқ тизимининг яхлит қуқуқий негизини яратди. Унда солиққа тортишнинг ишлаш механизми, солиқларни ундириш тартиби, солиқ тўловчиларнинг қуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ белгилаб берилган.

Бозор муносабатларининг янада эркинлашуви шароитида мамлакатимизнинг солиқ сиёсати нисбатан мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бундай дейишимизга сабаб:

- мамлакат иқтисодининг турли тармоқларида юқори ресурс талаб қилувчи ва паст рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналарнинг ҳанузгача мавжудлиги;

- кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда технологик жиҳатдан қайта қуролланмаганлиги;

- солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги;

- хусусий секторнинг ўз ҳуқуқларини яхши тушуниб етмаётганлиги, яъни ҳуқуқий маданияти ва билими паст даражадалиги ва шунга мувофиқ бозор қоидалари асосида мукаммал фаолият юритмаётганлиги;

- иқтисодийни бошқаришда айрим эски усул-унсурларининг сақланиб қолинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг таъминламаётганлиги;

- корхоналарда инвестиция олиб кириш ҳаракатларининг етарли даражада эмаслиги.

Шундай экан, солиқ имтиёзлари воситасида корхона иқтисодини тартибга солишда мавжуд вазиятни Ўсибга олган Ҳолда, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан ривожлантиришни, корхоналарнинг инвестицион салоҳиятини оширишни, хусусий мулкчиликни Ҳамда раёбат муҳитини шаклланишини таъминлайдиган тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни таъозо этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда корхоналар тўлайдиган солиқларни соддалаштириш, уларни сонини камайтириш барча учун ўрганиш ва ҳисоблаш учун қулайликлар яратиш мақсадида кўплаб самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда, бу эса ўз навбатида корхоналарни бюджет олдига мажбуриятларини камайтириш борасида ва тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2008 йилги назарда тутилган солиқ сиёсати қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 9,0 фоиз реал ўсишига, саноат тармоқлари товарларининг камида 22 фоиз ўсишига, инфляция даражасининг 7,8 фоиз доирасида сақланиб қолишига, аҳолининг реал даромадлари 23,0 фоизга ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди. 2009 йилда солиқ сиёсати бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Мамлакатимиз иқтисодийтини самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошишига кўмак сифатида хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юқини қуйидаги солиқ ставкаларини пасайтириш орқали камайтирилди:

- Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкаси 10 фоизда ушлаб қолинди. Корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар, биринчи навбатда ишчи-ходимларнинг иш ҳақини ошириш,

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва кенгайтиришга йўналтириладиган фойданинг (даромадларнинг) бир қисмини кўпайтириш имконини бериш кўзда тутилган;

- кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди;
- ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоизда ушлаб қолинди. Бунда хўжалик субъектларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида тушадиган юкни камайтиради ва ўз навбатида корхоналар ихтиёрида қоладиган, ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларни оширишга йўналтирилиши мумкин бўлган маблағлар сўммасини кўпайтиради.

2. Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ базасидан телекоммуникация хизматлари учун тўлов ва реклама харажатларини тўлиқ ҳажмда чиқариб ташлаш тартиби жорий қилинди. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг амалий фаоллигини рағбатлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга кириб боришига кўмак беради, десак муболаға бўлмайди.

3. Бевосита солиқлар салмоғини пасайиши билан бир вақтда ресурс солиқларининг салмоғи тегишли индексациялаш орқали кўпаймоқда. Бу табиий, минерал-ҳом ашё, ер ва сув заҳираларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишни рағбатлантиради.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўрта ставкасини (иш ҳақининг 6 баробаридан 10 баробаригача) 18 фоиздан 17 фоизга, максимал ставкасини эса (иш ҳақининг 10 баробаридан юқори) 25 фоиздан 22 фоизга пасайтириш натижасида аҳолининг реал даромадлари ҳисоб-китоблар бўйича ўртача 300 АҚШ долларига тенг бўлди.

5. Солиқ солиш тизимини максимал даражада бирхиллаштириш ва соддалаштириш, шунингдек солиқлар ва мажбурий тўловларнинг

айрим

турларини ҳисоблаш механизми ва тўлаш тартибини соддалаштириш кўзда тутилган.

6. Замонавий савдо тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, айниқса қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида кўрсатиладиган савдо хизматлари сифатини ошириш учун савдо корхоналарига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими жорий этилди.

Ҳозир мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ва уларни ҳисоблаб чиқишнинг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бунда ягона солиқ ставкаси аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этадиган шаҳарлардаги савдо корхоналари учун - 5 фоиз, қолган аҳоли пунктларида — 3 фоиз, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида эса - 1 фоиз миқдорида белгиланди.

7. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш таваккалчилиги даражасидан ва солиққа оид текширишлар очик ошкора ўтказилишини таъминлашдан келиб чиқиб, солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан солиқ бошқарувини такомиллаштириш, солиқ юкининг камайтирилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллиги ошиши ва аҳолининг реал даромадларини янада ошиши учун барқарор асослар яратилди. Бунда бюджетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумлари кўпайиши, тўловларни амалга оширмаслик ҳолатларининг камайиши, солиқ йиғиш даражасининг ошиши ва солиқ солинадиган базанинг бир қисмини «хуфёна иқтисодиёт»дан чиқарилиши ҳисобига қопланади. Хулоса қилиб айтиш лозимки, давлатимиз томонидан олиб борилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва уни соддалаштириш республикамызда фаолият юритаётган корхоналарга, тадбиркорларга ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган.

II-боб. Корхона мажбуриятларининг бугунги кундаги ҳолати ва унинг таҳлили

2.1 Корхона мажбуриятларини шаклланиш механизми ва унинг таҳлили

Ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхоналарда, хўжалик-молиявий фаолиятини амалга ошириш жараёнида мажбуриятлар юзага келади. Корхона мажбуриятларини шаклланиши ёки вужудга келиши ўзига хос хусусиятларга эса. Биринчи бобда биз, корхона мажбуриятлари ва уларни таркиби бўйича маълумотлар бериб ўтгандик. Айнан ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ишимизнинг ушбу бобида корхоналарни иккинчи тараф билан юзага келадиган мажбуриятлари, уларни шаклланиш механизми ва уларни ҳозирги кундаги ҳолатини, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар мисолида таҳлил қилиб ўтамыз.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар бошқа хўжалик субъектлари ва молиявий муассалар билан молиявий иқтисодий муносабатларни амалга ошириш жараёнида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келиши табиий ҳолат ҳисобланади. Корхона мажбуриятларининг асосий таркибий моддаларидан бири бу корхоналарнинг кредиторлик қарзлари ҳисобланади. Корхоналар кредиторлик мажбуриятлари қаторига 2002 йил 27 декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансига кўра қуйидаги қаторлар киритилади:

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000);
- ажратилган бўлинмаларга қарз (6110);
- шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120);
- солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240);
- олинган бўнақлар (6300);

- бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400);
- суғурталар бўйича қарз (6510);
- мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520);
- таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600);
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700);
- бошқа кредиторлик қарзлари (6950 дан ташқари 6900).

Кредиторлик мажбуриятлари қарши томонга корхонанинг тўлайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юқорида унинг таркибига нималар киришини айтиб ўтдик. Кредиторлик мажбуриятлари юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини таъкидлаш ҳам мумкин. Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби тахлилида қарздор бўлган томонлар бўйича мажбуриятларнинг қаторланиши, уларни тўлаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларини айланиш коэффиценти ва даври аниқланади. Лекин, бунда қатнашувчи кўрсаткичлар фарқланади. Кредиторлик мажбуриятларининг айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насияга олинган ёки ҳали пули тўланмаган моллар ашёлар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақиқий кўрсаткичларига мурожат қилинади. Корхоналарда кредиторлик мажбуриятларини таҳлил этишда уларнинг юзага келиш ўрни, муддати ва таркибига алоҳида аҳамият қаратилмоғи лозим. Муддати ўтган кредиторлик қарзларига йўл қўйилиши корхонага нисбатан турли иқтисодий огоҳлантиришларнинг қўлланилишига, иқтисодий жарималарга ҳамда корхонага бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади.

Корхона кредиторлик мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича қуйидаги таркибни бериб ўтиш мумкин:

- тўлаш муддати келган мажбуриятлар;
- тўлаш муддати ўтиб кетган мажбуриятлар.

Йил календар даврининг тақсими бўйича кредиторлик мажбуриятларининг қуйидаги шакллари бериш мумкин:

- 1 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 2 ойдан 3 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 6 ойдан 1 йилгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятлар.

Биз қуйида “БекободТекстил” акционерлик жамияти мисолида кредиторлик мажбуриятларини таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлил қилиб ўтамыз (2.1-жадвал). “БекободТекстил” АЖ кийим кечак ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳисобланади.

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига бўлган ҳолати 127554 минг сўмни ташкил қилган. Шундан 1 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари 78680 минг сўмни, 1 ойдан 2 ойгача бўлган кредиторлик мажбуриятлар 16516 минг сўмни, 2 ойдан 3 ойгача бўлган кредиторлик мажбуриятлари суммаси 19483 минг сўм, 3 ойдан 1 йилгача бўлган кредиторлик мажбуриятлари 11843 минг сўмни ва 1 йилдан ортиқ бўлган кредиторлик мажбуриятлари суммаси 1032 минг сўмни ташкил қилган. Корхона жами кредиторлик қарзлари таркибида энг кўп улушни мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўладиган қарзлар ташкил қилган. Кейинги навбатда эса корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик мажбуриятлари ташкил қилган.

2.1-жадвал

“БекободТекстил” акционерлик жамиятида кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили (2009 йил ҳолатига)

(минг сўм)

Кредиторлик мажбуриятлари моддалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1	2	3	4	5	6	7
1.Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	90387	51423	12196	15713	10023	1032
2.Ажратилган бўлинмаларга қарз	400	312	56	32	-	-
3.Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз	5007	4019	872	101	15	-
4.Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	6721	4198	2103	420	-	-
5.Олинган бўнақлар	-	-	-	-	-	-
6.Суғурталар бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
7.Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
8.Таъсисчиларга бўлган қарзлар	-	-	-	-	-	-
9.Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
10.Бошқа кредиторлик қарзлари	25039	18728	1289	3217	1805	-
Жами	127554	78680	16516	19483	11843	1032

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди

Корхона кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида тўлиқ баҳо бериш мумкин. Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги бўйича қуйидаги боғланишлар жадвалини келтириб ўтиш мумкин. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “БекободТекстил” АЖ да кредиторлик қарзларини айланишига баҳо беришимиз мумкин бўлади (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

**“БекободТекстил” акционерлик жамиятида кредиторлик
мажбуриятларининг айланиш тахлили (2008-2009 йил ҳолатига)**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	249458	127554	- 121904
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннарни, минг сўм	929608	2168322	+1238714
3. Жами мажбуриятлар, минг сўм	258047	163147	- 94900
4. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани, минг сўм	19856	12875	- 6981
5. Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, (2/1)	3,726	16,999	+13,273
6. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1*360/2)	97	21	- 76
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да (1/3*100)	96,67	78,18	- 18,49
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи % да, (4/1*100)	7,96	10,09	+2,13

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121904 минг сўмга қисқарган. Бунга аксинча сотилган маҳсулот иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннарни эса жорий йилда 1238714 минг сўмга ўсган. Буларнинг натижасида корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга 3,726 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 16,999 коэффициентига кўтарилган. Яъни кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги бир неча маротабага тезлашган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим. Бундан ташқари кредиторлик қарзларининг айланиш даври ўтган йилги 97 кундан ҳисобот йилига келиб 21 кўнгача қисқарган.

Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларнинг салмоғи ҳам жорий йилда 18,49 фоизга камайганлигини ижобий баҳоласак бўлади. Аммо, муддати ўтган кредиторлик қарзларининг салмоғи жорий йилда 2,13 фоизга ортганлигини салбий баҳоламоқ лозим бўлади. Чунки, бундай ҳолат корхонанинг иқтисодий жарималар тўлашига олиб келади ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этади. Кредиторлик қарзларининг айланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган бўлиб ушбу таъсир этувчи омиллар қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин (2.3-жадвал)

2.3-жадвал

Корхоналарда кредиторлик қарзларининг айланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти	Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида
1	2	3
1. Ўтган йили	3,726	97
2. Шартли ҳисобот йили	8,692	41
3. Ҳисобот йили	16,999	21
Жами фарқ	+13,273	-76
Таъсир этувчи омиллар	xxx	xxx
а) сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннариhini ўзгариши (2-1)	+4,966	-56
б) кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши (3-2)	+8,307	-20

Манба: маълумотлар асосида талаба томонидан тайёрланди

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадик, корхонада кредиторлик қарзларини айланиш коэффиценти ўтган йилга нисбатан жорий йилда 13,273 коэффицентга ошган. Бу ўзгаришда сотилган маҳсулот таннариhini ўзгаришини таъсири +4,966 коэффицентга кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса +8,307 коэффицентга тенг бўлган.

Кредиторлик қарзларининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан 76 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда маҳсулот таннариhiniнинг ёки сотиб олинган

қийматликлар ва хизматлар суммасининг ўзгариши таъсири 56 кунга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса 20 кунга тенг бўлган. Бундай натижалар корхонанинг тўлов қобилиятини яхшиланаётганидиган далолат беради.

Кредиторлик қарзларини айланиши таҳлил қилаётганда уларнинг шартли айланиш коэффиценти ва шартли айланиш даври каби кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилиб борилиши лозим. Бу кўрсаткичлар одатда қуйидагича аниқланади:

$$K(\text{ай}) = 108400/16542 = 6,553, \quad K(\text{д}) = 16542 \times 360/108400 = 54,9$$

Бу ерда: $K(\text{ай})$ – кредиторлик қарзларини айланиш коэффиценти;

$K(\text{д})$ – кредиторлик қарзларини айланиш даври.

Умуман олганда, корхона мажбуриятларини тўғри ташкил этиш ва уларни самарали бошқариш, корхоналар молиявий барқарорлигин таъминловчи асосий омиллардан бири саналади. Корхоналар мажбуриятларини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири бу, уларни шаклланиш механизмини тўғри идрок этиш, уларни ҳар бир жиҳатларини кенг ўрганиш, айланиш даври ҳамда камайтириш йўллари излаб топиш ҳисобланади. Ишимизнинг учинчи бобида, корхона мажбуриятларини самарали бошқариш бўйича батафсил тўхталиб ўтамиз

2.2 Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироз шароитида корхоналар молиявий ҳолатини ва унинг таҳлили

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхона мажбуриятларини ўрганиш, уларнинг таркибини оптималлаштириш ва корхонани инқироз ҳолатига олиб келувчи сабаб ва омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари

бошчилигида инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга самарали тадбиқ қилиниши натижасида, Республикамизда фаолият юритаётган корхоналар хўжалик-молиявий фаолияти нормал ҳолатда сақланиб, уларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг узлуксизлиги таъминланди. Ушбу дастурга асосан корхона мажбуриятларини камайтириш, хусусан маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига корхонада қўшимча молиявий ресурсларини шакллантириш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни айрим турдаги солиқ ва тўловлардан озод қилиш ва бошқа кўплаб имтиёзлар берилиши натижасида корхоналарда мажбуриятлар ҳажми бирдан ошиб кетишлилиги олди олинди. Ушбу дастурга асосан “.... экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини

камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак”¹⁰.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Натижада 2009 йил мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия

¹⁰ И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент - “Ўзбекистон” – 2009 йил.

комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Жумладан, республикамизда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижаларни куйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2.4-жадвал).

2.4-жадвал.

2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижалар

Комплекслар номи	Маҳсулот таннархининг пасайиши	
	млрд. сўмда	фоизда
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машиносозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	2079,5	20,38

Манба: **Ходиев Б** ва бошқалар Ўз. Р. Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда республикамиз бўйича маҳсулотлар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари

ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2009 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди (2.1-диаграмма).

Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг ишончилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.

2.1-диаграмма

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси



Манба: Ходиев Б ва бошқалар Ўз.Р. Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

2.5-жадвал.

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	31	9
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	11%, 17%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15	7
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4,0	3,5
Ягона ижтимоий тўлов	40	25

Манба: Ўз.Р. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбир – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

кўшимча чоралар кўрилганидир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайтирилиб борилмоқда (2.5-жадвал).

Жадвалдан кўринадик, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,1 баробар, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган.

Албатта, ҳукуматиз томонидан жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида, бу ва бунга ўхшаш кўплаб имтиёзларни яратиб берилганлиги корхона мажбуриятларини камайтириш ва улардан самарали фойдаланиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

III-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхона мажбуриятларини самарали ташкил этиш ва бошқариш масалалари.

3.1 Корхона кредиторлик қарзлари ва уларни камайтиришнинг асосий йўналишлари

Корхоналарда кредиторлик қарзлари корхона мажбуриятларининг асосий бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Корхоналарда кредиторлик қарзларининг моҳияти тўғрисида фикр билдирилаётган пайтда, бу ерда дастлаб «кредитор» атамасининг иқтисодий моҳиятини ёритиб ўтиш лозим. Кредитор дейилганда маълум бир хўжалик юритувчи субъектнинг (дебиторнинг) қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахсларга айтилади. Бозор муносабатлари шароитида давлат, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва умуман, барча хўжалик юритувчи субъектлар кредитор бўлишлари мумкин. Корхоналарда кредиторлик қарзлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов муддати етиб келмаган акцептлаштирилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича сотиб олувчиларнинг мол етказиб берувчиларга қарзлари;
- товар-моддий бойликларнинг сотиб олувчилар ихтиёрига тўлов муддатидан олдин келиб тушиши натижасида вужудга келган сотиб олувчиларнинг мол етказиб берувчиларга қарзлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича қарзлари (одатда, бундай қарзлар ҳақиқатдаги тўловларнинг режада кўзда тутилган тўлов суммаларидан ошиши натижасида вужудга келади);
- ўрнатилган (белгиланган) тўлов муддати-давомида тўланмаган (қайтарилмаган) бошқа кредиторларнинг қарзлари;
- иш ҳақи бўйича ишчи ва хизматчиларга, ижтимоий суғурта ажратмалари бўйича қарзлар ва бошқалар.

Кредиторлик қарзларининг моҳиятини тўғри идрок этиш учун унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, кредиторлик қарзлари бир неча хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Кредиторлик қарзлари иқтисодий муносабатларда бир хўжалик юритувчи субъект учун фойдали саналса, иккинчи бир хўжалик юритувчи субъект учун эса зарарли бўлиши мумкин. Бу қарзлар, айниқса, унинг муддати ўтган қисми хўжалик алоқаларининг издан чиқишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига ва мамлакат миқёсида ижтимоий тангликни келтириб чиқариши мумкин.

2. Кредиторлик қарзлари нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари, маълум маънода, трансформация қилиши ва тўлов турларини ўзгартириши мумкин.

3. Кредиторлик қарзларининг тўлов муддати ўтган қисми маълум босқичларда кредит тизимини заифлаштириши мумкин ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, корхоналарнинг хўжалик молиявий фаолиятида муддатли ва муддати ўтган кредиторлик қарзлари доимо биргаликда амал қилади. Уларнинг муддатли қисми кредит муносабатлари учун ижобий характерга эга бўлса, кредиторлик қарзларининг муддати ўтган қисми эса салбий характерга эгадир.

Кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарама қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби сабабиб ҳисоб китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидадир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлагунга қадар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиши келиб чиқади. Корхоналарда кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабаб қаторларини таркиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда масъуллиқ ҳиссининг йўқлиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;
- харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларнинг йўқлиги;
- ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қатъий шартларнинг йўқлиги;
- кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;
- суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлатнинг қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к. сабабларни киритиш мумкин.

Биз юқорида таъкидлаб ўтдикки, корхоналарда кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш ўрқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қалар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги айрим иқтисодчи олимлар томонидан ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш

ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган айрим фикрларни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, иқтисодчи олим М.Юсупов шундай деб ёзади: «... дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларининг энг асосий сабаби, нархларнинг тенг эмаслиги бўлиб, у тармоқлараро маҳсулот ва хизматлар айирбошлаш тезлигини пасайтиради. Корхона ўз маҳсулотини пасайтирилган, тенг бўлмаган нархда сотганидан сўнг унинг банкдаги ҳисоб варағига қилинган харажатлар билан умуман тенглаштириб бўлмайдиган сумма келиб тушади. Келиб тушган маблағ нафақат маҳсулот етказиб, берувчиларнинг тўловномалари бўйича уларга ҳақ тўлашга, балки ишчиларнинг ўзига иш ҳақи тўлаш учун ҳам етарли бўлмайди. Шу тариқа у етказиб берувчилар ва банклар олдида ҳам, ўзининг ишчилари олдида ҳам тўловга лаёқатсиз бўлиб қолади.

Шунингдек проф. С.Чепель ҳам ўзининг тўловсизлик масалаларига бағишланган мақоласида муаммони ҳал этишнинг қуйидаги йўналишларини белгилаб берган:

- «бюджет ва тижорат банклари қарздорлигини реструктуризациялаш (қайта кўриб чиқиш);
- амалдаги хўжалик қонунчилигида қайд этилган турли шаклдаги ўзаро ҳисоблар ишлатилиши;
- хусусийлаштирилган ва акциядорлик корхоналарининг акцияларини ўзаро ҳисоб-китоб схемасига киритиш;
- меъёрида ишлайдиган корхоналар учун шарт-шароитлар (маҳсулот чиқаришда мулкдорлар ҳуқуқини ўзгартириш қоидалари, тўлов муддати ўтиб кетганлиги учун жарима тизими, банкротлик тўғрисида иш қўзғатишни соддалаштириш ва ҳоказо) яратиш керакки, уларга ҳисоб бўйича тўламаслик фойдали бўлмасин;
- ташқи бошқариш институти эътиборини айбдор, деб топилган корхоналарга қаратилиши, шунда алоҳида диққатни сотилмай қолган маҳсулот қисмини камайтириш масаласига, маҳсулотлар

рақобатбардошлиги ўсишига, маркетинг тадқиқотларга ва буюртмалар тўпламини замонавий тарзда ташкил қилинишига қаратиш лозим;

- корхона раҳбарларининг, қабул қилинаётган ечимларнинг тўлақонлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва молиявий фаолиятнинг натижасига кўра маъмурий ва иқтисодий жавобгарлигини кучайтириш. Раҳбарлар ва етакчи мутахассислар билан тузиладиган шартномаларга корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича аниқ мажбуриятлар амалиётини кенг қўллаш».

Муаммони ҳал этишга худди юқоридагидек ёндошув М.Йўлдошев ва А.Аҳмедовларга ҳам тегишлидир. Жумладан, улар «... вақтида тўланмаган дебиторлик (кредиторлик) қарзларининг олдини олиш ва уларни қисқартиришнинг у ёки бу усуллари амалга оширишда банклар бевосита қатнашишини ҳисобга олиб, ... банкларнинг ушбу фаолиятини амалга оширишда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган фаолиятининг асосий йўналишларини умумлашган тарзда «белгилаб ўтишни» мақсадга мувофиқ ва зарур деб ҳисоблайдилар:

- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида олдиндан акцептланадиган тўлов талабномалари воситасида ҳисоб-китоб қилишни кенг жорий этишга ёрдам бериш;
- олдиндан ҳақ тўлаш ёки аккредитив бериш шарти билан экспортга чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- барча хўжалик органларидан ойлик бухгалтерия ҳисоботларини қабул қилиш, бунда фақат дебиторлик ва кредиторлик қарзларини шарҳлаб беришни, улар пайдо бўлган санани кўрсатишни, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларининг бутун суммасини солиштириш далолатномаларини қабул қилиш;

- ҳар чоракда ҳўжалик органларининг камида 50 фоизида ҳисоб ва ҳисоботнинг, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволини текшириш;
- маҳсулот олдиндан ҳақ тўланмасдан жўнатиш ҳоллар аниқланган тақдирда ёки муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи бўла туриб маҳсулот жўнатиш тақдирда, маълумотларни тегишли чоралар кўриш учун дарҳол солиқ органларига органларига топшириш;
- экспорт шартномларини белгиланган тартибда рўйхатга олиш чоғида божхона назоратига тақдим этиш учун мижозларга ҳисоб-китоблар тўғрисида махсус маълумотнома берилишини таъминлаш;
- маблағлар бўлмаган ёки етишмаган тақдирда олдиндан ҳақ тўлашни кредитлашнинг асосий қоидаларига риоя қилган ҳолда банк ссудалари ҳисобидан аккредитивлар билан амалга ошириш.

Бизнинг фикримизча, кредиторлик қарзларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллиги ва уларнинг шарнома шартларига қайий амал этиши;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб – китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича захиралар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан шу нарсани айтиш мумкинки, корхоналарда кредиторлик мажбуриятларини камайтириш нафақат корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлайди, балки мамлакатда ҳисоб китоблар тизимини самарали шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

3.2 Тижорат банкларининг кредитлари ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари.

Корхоналар хўжалик-молиявий фаолияти жараёнида ўзларининг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажмини ошириш мақсадида тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасалар кредитларидан фойдаланадилар. Ўз навбатида, ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида корхоналарда маълум миқдорда банклар ва молиявий муассасалар олдида мажбуриятлар юзага келади. Бозор муносабатлари шароитида корхоналарни банклар олдидаги мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши, банклардан олинган кредитлар бўйича тўловлар ва фоизларни камайтирилиши мамлакатнинг кредит тизимини ривожлантишига, банкларда кредит операцияларни самарали амалга оширилишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Тижорат банклар томонидан хўжалик субъектларини кредитлашда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги меъёрий ҳужжатларга асосан, шунингдек ҳар бир кредит бўйича ишлаб чиқарилган тартиб бўйича молиялаштирилади.

Кредитлар тижорат банклари томонидан қуйидаги мақсадларга ажратилади

- экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва етиштириш учун;
- машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узелларни ишлаб чиқариш учун;
- касаначилик ривожлантириш мақсадида;
- ёш оилаларни уй жой билан таъминлаш ва уй жойларни қайта

таъмирлаш мақсадида;

- кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун ажратилади

Кредитлар тижорат банклари томонидан қуйидаги мақсадларга ажратилиши мумкин эмас;

- илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга;
- тамаки ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқаришга;
- савдо-воситачи корхоналар айланма маблағларини шакллантиришга;
- ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олишга;
- маъмурий харажатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобиллари таъминотига ва бошқа тўловларга.

Кредитни ажратиш розилиги олинганидан сўнг қарздор бир маротабали комиссияни тўлайди, гаровни рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади. Барча ҳужжатлар тижорат банки юридик бошқармалари томонидан тайёрланади. Тижорат банки томонидан банк молия ташкилотига кредит йўналишидан фойдаланиш мақсадида ва кредитни молиялаштириш ва аккредитив очилиши тўғрисида сўров юборилади.

Кредит олиш учун мижоз томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

1. Қарз олувчи кредит олиши учун ваколатли банкка асосли тарздаги тақдимнома (ариза) билан мурожаат этади.

қарз олувчининг тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қуйидаги ахборотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

а) кредитни олишдан кўзланган мақсадни, кредит олиш зарур бўлган миқдор ва муддатни;

б) хориждан харид қилинаётган товарнинг, мамлакатнинг тавсифини, тўлов валютасини, кийматини, ускуналарни сотиб олишда эса - зарур хом

ашё билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни;

в) кредитланаётган тадбирнинг техникавий-иқтисодий асосларини, унинг валюта билан ўзини-ўзи қоплашини;

г) бутун қурилиш, ускуналарни созлаш ва ишлаб чиқариш кувватларини ўзлаштириш даври мобайнида ишларнинг техникавий лойихаси ёки жамланма жадвалини;

д) кредитдан фойдаланиш ва уни тўлаш муддатининг ҳисобини.

2. Лойиханинг техник иқтисодий асосномаси.

3. Юридик ҳужжатлар:

-Корхона устави;

-Таъсис шартномаси;

-Агар фаолият тури махсус лицензия талаб қилинадиган рўйхатга кирса, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия.

4. Контракт ҳужжатларининг бевосита ижрочилар билан келишилган лойихалари:

- машина – ускуналар етказиб бериш ёки объектни қуриб, ишга тайёр ҳолда топшириш тўғрисида тузилган контракт;

- қурилиш пудрати ва қурилишни моддий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида тузилган шартнома;

- хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа моддий бойликларни келтириш, бундай харидлар имкони борича очик тендер ёки танлов асосида амалга ошириш зарур;

- лойихани амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномалар.

5. Смета ва молия ҳужжатлари:

Техник иқтисодий асослаш босқичида қурилиш учун лойиха смета ҳужжатлари ва қурилишнинг адрес рўйхати;

- корхонанинг охириги уч йил учун тайёрланган ва солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тўлиқ бухгалтерия ҳисоботи;

- бошқа банклардаги ҳисобварақлар, қарз олинган маблағлар ва

уларни қайтариш тўғрисидаги маълумотнома;

- хорижий шериклар (муассасалар) тўғрисида ахборот – охирги икки йил учун йиллик ҳисобот ва аудиторлик маълумотномаси.

6. Экспертизага оид бошқа ҳужжатлар:

7. Чет элдан олиб келинаётган технологиялар учун тузилган шартномалар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, тижорат банклари хоҳлаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳамда кўзда тутиладиган лойиха жойлашган жойини текшириб кўриш ҳуқуқига эга.

Қуйидагилар кредит таъминоти сифатида қабул қилинади:

- мол-мулк гарови;
- қимматли қоғозлар гарови;
- банк кафолати ёки кредит қайтармаслиги таваккалчилиги туфайли зарарларни суғурталаш тўғрисидаги суғурта полиси;
- учинчи шахслар кафиллиги тақдим этилиши мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлди. Бунда Республикамизга импорт ҳажмини қисқартириш ва экспорт ҳажмини ошириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш лозим эди. Айни пайтда шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бунинг учун энг замонавий технологиялар, энг илғор ускуна ва дастгоҳлар зарур. Ва табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардош, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган бўлиши учун катта инвестициялар керак. Республикамиз экспорт потенциалини оширувчи хўжалик субъектларини банк кредит линиялари билан таъминланганлигини таҳлил қилганда бу борада муайян ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон улкан экспорт потенциалига эга мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 май 1998 йилдаги 232-сонли қарорининг 5-бандида инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш Ўзбекинвестлойиҳа ва Ташқи

Иқтисодий Алоқалар Вазирлигига тижорат банкларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши юклатилган. Мамлакатимизда корхоналарни молиявий қўллаб – қувватлаш борасида банк тизмининг ўрни алоҳидадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 мартдаги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларида ишлаб-чиқариш микрофирмалари, кичик бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологик ҳамда инновация лойиҳаларини кредитлаш мақсадида мамлакатимизда амал қилаётган барча тижорат банкларида Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди. 2008 йил 1 январ ҳолатига Республикамиз тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 918.4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги банк кредит линиялари очилган. Бугунги кунда Республикамизда ТИФ Миллий банки, Асака банк, Агро банк, Саноатқурилиш банки, Ипак йўли банки, Ҳамкор банк ва бошқа банклар томонидан банк кредит линиялари ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан банк валютада кредитлар ажратилмоқда. Банк молия институтлари томонидан очилаётган кредит линияларининг шартларини бажариш Республикамизда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналарга жуда қийин кечмоқда. Айниқса ҳар бир лойиҳа бўйича кредитнинг минимал ва максимал суммаларининг чекланганлиги, фоиз ставкасининг ўзгарувчанлиги (Libor Банк банк маржаси Ўзбекистон тижорат банки маржаси), кредит ҳисобига олинadиган асбоб-ускунанинг маълум бир давлат ишлаб чиқарувчилари бўлиши шартлиги, бир марталик комиссия ва бошқалар.

2009 йил мобайнида тижорат банклари томонидан банк кредит институтлари кредит линиялари ва ўз маблағлари ҳисобидан 146 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилиб, 765.5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди, шу жумладан банк кредит линиялари ҳисобидан 486.8

млн. АҚШ доллари ва 278.7 млн. АҚШ доллари тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган.

Айни вақтда, Республикамизда банк кредитларидан фойдаланиш соҳасида бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда:

1. Валюта rischi муаммоси.

Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, банк кредитларни қайтариш даврида миллий валютанинг алмашув курси сезиларли даражада пасайганлиги сабабли, миқдорларнинг кредитни қайтариш харажатлари кескин ўсмоқда. Банк кредитларни қайтариш жараёнида валюта rischi муаммосини чуқурлашувига олиб келган иккинчи сабаб, банк кредитларнинг сезиларли қисмини биржадан ташқари валюта курси бўйича конвертация қилиш учун тўланаётганлигидир. Биржадан ташқари валюта курси эса пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

2. Миллий жорий валюта бозорининг ликвидлилик даражаси.

Маълумки, инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли тарзда реализация қилиш натижасида ишлаб чиқарилган товарларнинг сезиларли қисми миллий валюта сўмга сотилади. Уларни банк валюталарга конвертация қилиш ҳисобига банк кредитларни қайтариш жорий валюта бозорини етарли даражада ликвидли бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда, инвестиция лойиҳаси юқори даражада рентабелли бўлишига қарамасдан, жорий валютадаги кредит муддатида қайтарилмаслиги мумкин. Эндиликда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- банк валютада кредитлашнинг ҳажмини ва сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудлари бўйича диверсификациялашни давлат томонидан рағбатлантириш;

- банк кредит линиялари орқали янги замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш ҳисобига сифатсиз ва харидор талабига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутулиш;

- жаҳон бозори талабларига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва

уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга валюталарнинг кўпроқ тушишини таъминлаш;

- янгидан ташкил этилаётган кичик корхоналарга банклар томонидан ажратилаётган кредитлар учун нобюджет жамғармалар томонидан кафолат бериш амалиётини кенгайтириш;

- валюта ва бошқа рискларни камайтириш ва суғурталаш;

Тижорат банклари учун мавжуд муаммолардан бири хўжалик субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларни қайтариб бермаслик ҳоллари ҳам кўплаб учрамоқда, бошқача айтганда корхоналарнинг тижорат банклари олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилмаётганлигини бўлиб ҳисобланади. Буларга асосий сабаб қуйидагиларни айтиш мумкин.

1. Корхоналар томонидан кредит ресурсларини олиш учун тайёрланган бизнес режалар сифатининг пастлиги.

2. Маълум бир молиявий қийинчиликларни ўтказаетган хўжалик субъектларининг кредитни ўзлаштирида муамоларга дуч келиши.

3. Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилган хизматларга реал талабни аниқ билмаслиги

4. Кийин сотиладиган ёки қиймати тез тушиб кетадиган бойликларни гаров сифатида қабул қилиниши.

5. Кўпгина тадбиркорликнинг молиявий ва юридик тайёргарлигини суствлиги.

6. Мамлакатда тўла ривожланган инвестицион — молиявий инфратузилмаларнинг мавжуд эмаслиги.

7. Кредилар бериш бўйича банклар сиёсатига тез-тез ёки мухим ўзгаришларнинг киритилиши.

Корхоналар мажбуриятларини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири, тижорат банкларининг кредитларини ўз вақтида қайтариш улардан мақсадли равишда фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхона мажбуриятларини

самарали бошқаришда мавжуд камчиликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мукин:

1. Корхоналарни капиталлаштириш даражасининг пастлиги;
2. Мененжмент ва маркетингни мукамал ташкил этишнинг чекланганлиги;
3. Йирик бизнес субъектларига юқори даражада қарамлик;
4. Маъмурий текшириш ва назоратнинг сақланиб қолаётганлиги;
5. Айрим турдаги хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларини чекланганлиги;
6. Корхона раҳбарларининг малакаси етарли даражада эмаслиги;
7. Товар ва хизматлар бўйича рақобатбардошликнинг паст даражадалиги.

Мамлакатимизда хўжалик субъектларнинг ривожланишига кредит жалб қилиш амалиётини ўрганиб чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларни келтирамиз:

1. Валюта курсини унификациялаш лозим. Чунки валютада кредит олинаётган вақтда курс прогнозлаштириб олингани билан кейин ўсиб кетяпти-да бизнес режадаги кўзланган фойда олинмаяпти.

2. Ҳозирда тижорат банкларимиз томонидан бажараётган хизматлар учун хизмат ҳақи жуда кўп олинаяпти буни камайтириш ва хизмат турларини кўпайтириш бугунги кун талабидир.

Бугунги кунда банк кредит линиялари ҳисобидан кредит олишни режалаштирган тадбиркорлар сони кескин камайиб кетмоқда. Бунга сабаб юқорида қайд қилганимиздек валюта курсининг эркинлаштирилиши лойиҳаларнинг ўз-ўзини қоплаш коэффицентига салбий таъсир қилмоқда. Бундан ташқари айрим корхоналар валюта курсининг ўзгариши натижасида фойда солиғини тўлашда муаммолар келиб чиқмоқда.

Муаммони ҳал қилиш йўллари сифатида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Айрим мулкчилик шаклидаги корхоналар (масалан, кичик бизнес субъектлари) ўз эҳтиёжлари учун хом-ашё ва материаллар импорт қилса ҚҚСдан озод қилиш лозим.

2. Валюта курсининг ўзгариши натижасида тўланадиган фойда солиғини қисқартириш лозим.

3. Банкларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштиришга йўналтирилган фаолиятини имтиёзли солиққа тортиш механизмини соддалаштириш керак.

Шундай қилиб, корхоналарда мажбуриятларини тўғри ташкил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш, корхоналарни ишлаб чиқариш имкониятларини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, импорт қилинаётган маҳсулотлар салмоғининг камайишига, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда маҳаллий бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириш, шу билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида катта имкониятлар очиб беради.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишининг ушбу қисмида юқорида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларига ва ишни ёзиш жараёнида таҳлил қилинган маълумотлар асосида, бугунги кунда корхона мажбуриятларини тўғри ташкил этиш ва уларни самарали бошқариш масалалари юзасидан асосий хулоса ва таклифларимизни бериб ўтамиз.

1. Корхона мажбуриятлари, корхонанинг ишчи ходимлари, таъсисчилари, бошқа хўжалик субъектлари ва молиявий ташкилот ва муассалар билан молиявий иқтисодий муносабатларни амалга ошириш жараёнида юзага келади.

2. Корхона мажбуриятларини самарали бошқаришда аввало, унинг таркиби ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш лозим. Корхона мажбуриятлари таркибини асосий моддалари қуйидагилардан иборат:

- корхоналарни жорий ва узоқ муддатли кредиторлик қарзлари;
- корхоналарни бюджетга солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича қарзлари;
- корхонанинг ишчи ходимлари ва таъсисчилари олдидаги мажбуриятлари;
- молиявий муассалар олдидаги мажбуриятлар ва бошқа мажбуриятлар.

3. Корхоналар мажбуриятларини кўп қисмини ташкил қилувчи, кредиторлик қарзларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллиги ва уларнинг шарнома шартларига қаъий амал этиши;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб – китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича захиралар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

4. Корхоналар мажбуриятларини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири, тижорат банкларининг кредитларини ўз вақтида

кайтариш улардан мақсадли равишда фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхона мажбуриятларини самарали бошқаришда мавжуд камчиликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарни капиталлаштириш даражасининг пастлиги;
- менежмент ва маркетингни мукаммал ташкил этишнинг чекланганлиги;
- йирик бизнес субъектларига юқори даражада қарамлик;
- маъмурий текшириш ва назоратнинг сақланиб қолаётганлиги;
- айрим турдаги хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларини чекланганлиги;
- корхона раҳбарларининг малакаси етарли даражада эмаслиги;
- маҳсулот ва хизматлар бўйича рақобатбардошликнинг паст даражадалиги.

Ўйлаймизки бунга ўхшаш камчиликларни ўз вақтида аниқлаб уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқиш корхона мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлайди, бунинг натижасида корхоналарни истиқболда ишончли ва молиявий мустаҳкам ҳолатда фаолият юритиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.:Ўзбекистон, 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Т.: “Адолат” – 2010 йил. 400 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 1994 йил 05 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 20 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонуни 2001 йил 6 декабр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438-сонли Қарори. 2010 йил 26 ноябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ – 1442 – сонли Қарори. 2010 йил 15 декабр.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 1675 - сонли Қарори. 2011 йил 30 декабр.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги Фармони. 2012 йил 10 апрел.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч кудратимизга хамжамиятимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004
12. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й. – 56 б.
15. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й. – 48 б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й. – 440 б.
17. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й. – 36 б.
18. Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление: учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2010. – 288 с.
19. Антикризисное управление: Учебник. -2-е., доп. и перераб. / Под ред. Э.М. Короткова.- М.: ИНФРА- М, 2009.- 620 с.- (Высшая образование)
20. Антикризисное управление предприятиями и банками: Учеб.-практ. Пособие/Подгот. Г.К. Талем и Г.Б. Юном. – М.: Дело, 2009
21. «Антикризисное управление» Курс лекций. С. Ю. Кузнецов Учебно методическое пособие. Москва «Финансы и статистика» 2010 г. – 176 стр.

22. А.Г.[Ивасенко](#), [Я.И.Никонова](#), [Е.Н.Плотникова](#) Разработка управленческих решений. Москва «КНОРУС» 2010 г. 167-стр.
23. Брейли Р., Майерс С., Принципы корпоративных финансов/Пер. с англ. – М., 2004 г.
24. [Братухина О.А.](#) «Финансовый менеджмент» Учебное пособие. Москва «КНОРУС» 2010 г. 238 стр.
25. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. – Т.: Изд-во Национальной библиотеки им. А.Навои, 2005. – 127 с.
26. Ваҳобов А., Жумаев Н., Хошимов Э. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари” - Т.: “Академнашр” – 2009 й. 123- бет
27. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Т.: “IQTISOD– MOLIYA” 2008. 354 б.
28. Вавилов А. Государственный долг: уроки кризиса и принципы управления. –М.: Городец-издат, 2001
29. Дементьева А.Г. Основы корпоративного управления. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2009. – 575 с.
30. Исаев Д.В. Корпоративное управление и стратегический менеджмент информационный аспект. Учебное пособие. – М.: Высшей школы экономики, 2010. – 219 с.
31. Иванова Е и др. Корпоративное управление: учебник. М.: Ростов на Дону “Феникс”, 2008 г. – 258 с.
32. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – 152 б.
33. Карлибаева Р.Ҳ. ва б. Корпоратив молия. – Т.:ТДИУ, 2010. – 260 б.
34. Крылова Э.И. и др Управление финансовым состоянием организации (предприятия): Учебное пособие. М.: Эксмо, 2008 . - 416с.
35. Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. – М.: ОМЕГА - Л, 2008.– 21, 27с.

- 36.Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. “Фан” нашриёти. 2004 й.
- 37.Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
- 38.Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005. -544 б.
- 39.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.
- 40.Матазимов О. Даромаднинг икки томонлама солиққа тортилиши муаммолари. / Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008. №10. – Б.10-15.
- 41.Мирзаев Ж. Мустаҳкам ҳуқуқий асос – иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент. 2010. №01. – Б. 27-35.
- 42.Налоги в условиях экономической интеграции. / В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой. –М.: КНОРУС, 2004. – 288 с.
- 43.Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқув қўлланма, -Т.: ТМИ, 2005. –158 б.
- 44.Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. /Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 127 б.
- 45.Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2001. 432 б.
- 46.Юсупов Ю. Можно ли определить оптимальную долю бюджета в ВВП? //Экономическое обозрение. 2005 № 7.
- 47.Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.
- 48.Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
- 49.Боймуродов С. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири. . // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент, 2007. - № 8. - Б. 22-27.
- 50.Солиқ тўловчи журнали 2007- 2011 йил сонлари.

51. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2007-2011 йил сонлари.
52. <http://www.antimon.uz> - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси
53. <http://www.referat.ru> - Рефератлар, иншолар, курс ишлари, иқтисод ва бошқалар.
54. <http://www.bilimdon.uz> - Ўзбекистонда фан ва таълим. Виртуал билимлар супермаркети.
55. <http://www.uz> - Ўзбекистон Республикаси ресурслари каталоги.
56. <http://www.cer.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар маркази - Ўзбекистон
57. <http://cere.tfi.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази.
58. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
59. <http://www.nalog.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
60. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси